



# ЎЗМУ ХАБАРЛАРИ

## ВЕСТНИК НУУз

### АСТА NUUZ

**МИРЗО УЛУГ'БЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ**

**ЖУРНАЛ  
1997  
ЙИЛДАН  
ЧИҚА  
БОШЛАГАН**

**2022  
1/2/1**

**Ижтимоий-  
гуманитар  
фанлар  
туркуми**

Бош муҳаррир:

**И.У.МАЖИДОВ** – т.ф.д., профессор.

Бош муҳаррир ўринбосари:

**Р.Х.ШИРИНОВА** – ф.ф.д., профессор

Таҳрир хайъати:

Сагдуллаев А.С. – т.ф.д., проф.

Аширов А.А. – т.ф.д., проф.

Баллиева Р. – т.ф.д., проф.

Маликов А.М. – т.ф.д., проф.

Юсупова Д.Ю. – т.ф.д., проф.

Муртазаева Р.Ҳ. – т.ф.д., проф.

Мўминов А.Г. – с.ф.д., проф.

Нишонова О.Ж. – ф.ф.д., проф.

Ахмедов Х.А. – с.ф.д.

Мухаммедова Д.Г. – псих.ф.д.

Болтабоев Ҳ. – фил.ф.д., проф.

Раҳмонов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Жабборов Н.А. – фил.ф.д., проф.

Сиддиқова И.А. – фил.ф.д., проф.

Садуллаева Н.А. – фил.ф.д., доц.

Арустамян Я.Ю. – фил.ф.д., доц.

Пардаев З.А. – фил.ф.ф.д., PhD.

Масъул котиб: **З. МАЖИД**

**ТОШКЕНТ – 2022**

## МУНДАРИЖА

### Тарих

|   |     |
|---|-----|
| Адилов Ж. Александр Бекович-Черкасский юришининг маданий мерос намуналаридаги инъикоси.....   | 4   |
| Алиязарова Д. Из истории издания газеты на языке бухарских евреев в Фергане .....   | 7   |
| Илхомов З. Тарихий далил тизими ва далил хусусиятлари хақида баъзи фикрлар .....  | 10  |
| Larason M. XIX asr 30-50-yillarda Buxoro-Rossiya iqtisodiy munosabatlarining rivojlanishi .....   | 13  |
| Мусаев Н. XIX аср охири – XX аср бошларида Туркистонда савдо-саноат ва банк капиталининг фаолияти .....   | 15  |
| Норқўчқаров Х. Туркистонликларнинг Афғонистонга мухожирлиги хақида айрим мулохазалар (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср 30-йиллари).....                | 20  |
| Орифжонова Г. Қашқадарё этномаданий либосларининг ўзига хослиги (Қашқадарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи коллекциялари мисолида).....        | 23  |
| Rashidova F., Boltaeva M. 1991-2000 yillarda Jizzax viloyatining kichik biznes va tadbirkorlikda xorijiy investitsion muhitning tarixiy qiyoslovi ..... | 28  |
| Сатимов Б. Жанубий Оролбўйи аҳолиси қуролланиш билими саҳифасидан .....   | 31  |
| Смесова Е. Исторические корни толерантных отношений в Узбекистане .....   | 34  |
| Холиқулов А. XIX аср бошларида Бухоро амирлиги ва Усманийлар давлати ўртасидаги муносабатларга доир баъзи мулохазалар .....                             | 37  |
| Шарипова Н. 1966-1991 йилларда педагог ходимлар кийиниш маданиятининг ўзгариб бориши (Фаргона водийси мисолида) .....                                   | 41  |
| Shukurov R. Buxoro amirligi tadqiqotlarining tarixshunosligi masalalari .....   | 45  |
| Эргашева Х. Фаргона вилоятида нефть саноатининг шаклланиши .....  | 48  |
| <b>Фалсафа, Педагогика, Психология, Методика, Социология, Сиёсий фанлар</b>   |     |
| Abdullayeva D. Didactic methods of student materials in teaching foreign languages in medicine .....  | 52  |
| Абдуллаева Р. Интернет-ресурсы в обучении медицинской терминологии русского языка.....  | 56  |
| Abraimova N. The importance of using pedagogical technologies in foreign language lessons .....   | 60  |
| Азимов А. Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий мақоми ва ролини мустахкамлашда гендер тенглиги .....  | 63  |
| Айтгувганов У. Творческого мышления как категории науки и познавательного процесса личности .....   | 67  |
| Алимардонов Т. Давлат ва жамият бошқарувида ижтимоий муносабатлар зиддиятлари .....   | 71  |
| Алимухамедова Н. Этномиллий концепцияларнинг таҳлил этишда анъанавий ёндошувлар .....   | 75  |
| Аллаяров О., Ботиров М. Интернет имкониятларидан ахборотлашган жамиятда фойдаланишнинг аҳамияти .....   | 79  |
| Анашов В. Боксчилар фаолиятининг индивидуал стилини ҳисобга олган ҳолда мусобақаолди тайёргарлигини такомиллаштириш .....                               | 82  |
| Asrorov I. Ko'rish imkoniyati cheklangan talabalarga chet tilini o'qitishning muammolari va yechimlari .....  | 85  |
| Ахмедов Т. Олий мажлис – замонавий кенгаш институти сифатида .....  | 88  |
| Ахмедов Х. Экологик хавфсизлик сиёсатини инсонпарварлаштиришни тарихий даврлаштириш тамойиллари .....   | 92  |
| Axmedova M. ARM faoliyatida tilshunoslik fanlaridan mustaqil topshiriqlar tuzishda modul-kredit tizimining joriy etilishi .....                         | 95  |
| Axmedova O. Toshkent viloyati nikoh to'yi marosimlarining etnohududiy xususiyatlari .....   | 98  |
| Baratova D. Using flipped method in the classroom.....  | 102 |
| Бегимқулов З., Нарзиева Н. Малака ошириш жараёнида спорт турлари бўйича тренер-ўқитувчиларнинг ижтимоий-маданий компетентлигини ривожлантириш .....     | 105 |
| Жаббаров З., Файзиев М. Хориж давлатларнинг қуролли кучларида ахлокий-руҳий тайёргарликнинг шаклланиши.....   | 109 |
| Жўраев Р., Тўхтасинов Б. Ижтимоий-сиёсий институт сифатида давлатнинг тарихий тадрижийлиги .....  | 113 |
| Jo'raxo'jayev M. Uyda yakka tartibdagi ta'lim darslari samaradorligini oshirishda innovatsion texnologiyalardan foydalanish .....                       | 116 |
| Yo'ldashev Sh. O'zbekiston yoshlarining huquqiy ong va huquqiy madaniyatning shakllanishi .....   | 117 |
| Казакова М. Азизиддин Насафийнинг илмий-педагогик қарашлари таҳлили.....  | 120 |
| Каримов Ф. Контроль уровня уровня специальной физической подготовки футболистов высокой квалификации .....  | 123 |
| Karimov F. Developing a combination of health exercises for middle ages 45-60 years, taking into physical fitness. ....                                 | 127 |
| Qayumova Sh. O'quvchilarning matematika va tabiiy fanlarga oid savodxonligini aniqlashda TIMSS xalqaro baholash dasturining ahamiyati .....             | 130 |
| Мамирова О. Бошқарувда гендер тенгликни таъминлаш истиқболлари.....   | 134 |
| Mirrahimova G. Methodological-integration model of teaching audiovisual translation .....   | 138 |
| Муминова Г. Энергетические ресурсы Центральной Азии .....   | 142 |
| Murodova Z. Interaction of the formation of methodological culture in future teachers with the scientific world.....                                    | 146 |
| Mukhametov A. Scientific and methodical basis of management of loads in physical education and public sports health.....                                | 150 |



УДК: 34:1 (575.1)

*Нодира АЛИМУХАМЕДОВА,  
ТИКХММИ катта ўқитувчиси  
E-mail: nodiraxon70@mail.ru*

*ЎЗМУ профессори, с.ф.н. Калонов К. тақризи асосида*

### TRADITIONAL APPROACHES TO ANALYSIS OF ETHNONATIONAL CONCEPTS

Abstract

The article examines the exacerbation of global, geopolitical, ethnic, national problems in the context of the modern contemporary process of globalization. The emergence of independent national states in the post-Soviet environment, on a new methodological basis, the concepts of ethnos, ethnicity, nation, national identity, mentality, which play an important role in socio-political processes, ethno-national concepts are analyzed.

**Key words:** globalization, ethnicity, ethnic group, nation, national identity, mentality, national identity, religion, history, spirituality.

### ТРАДИЦИОННЫЕ ПОДХОДЫ АНАЛИЗА ЭТНОНАЦИОНАЛЬНЫХ КОНЦЕПЦИЙ

Аннотация

В статье исследуются концепции этноса, этничности, нации, национальной идентичности, играющие важную роль в социально-политических процессах связанных с обострением геополитических, этнических, национальных проблем в контексте современного процесса глобализации, возникновение независимых национальных государств на постсоветском пространстве. Изучаются влияние динамики исторических изменений на изменения этнонациональных концепций.

**Ключевые слова:** глобализация, этнос, этнос, нация, национальная идентичность, менталитет, история, духовность.

### ЭТНОМИЛЛИЙ КОНЦЕПЦИЯЛАРНИНГ ТАҲЛИЛ ЭТИШДА АНЪАНАВИЙ ЁНДОШУВЛАР

Аннотация

Ушбу мақолада бугунги замонавий глобаллашув жараёнида глобал, геосийсий, этник, миллий муаммоларни кескинлашувни, постсовет муҳитида анги мустақил миллий давлатларнинг вужудга келиши, ижтимоий-сийсий жараёнларда муҳим аҳамиятга эга бўлган этнос, этниклик, миллат тушунчалари ва этномиллий концепциялар таҳлил этилган. Шунингдек, тарихий ўзгаришлар динамикасининг этномиллий концепцияларнинг ўзгаришларига бевосита таъсир қилиш қонуниятидаги ўзига хос хусусиятлари ўрганилган.

**Калит сўзлар:** глобаллашув, этнос, этниклик, миллат, миллий идентификация, менталитет, миллий ўзликни англаш, дин, тарих, маънавият.

**Кирish (Introduction).** Глобаллашув асрида ижтимоий-гуманитар фанларнинг миллат ва миллатнинг шаклланиши (келиб чиқиши) муаммосига бераётган алоҳида эътибори дунё харитасида мустақил давлатлар сонини ортадан билан ҳам боғлиқ, албатта. Бундай давлатлар ўз олдига, миллий ғоя асосида кўп миллатли жамиятни бирлаштириш вазифасини кўйган, чунки жамият ҳаётининг энг муҳим шарҳларидан бири турли миллат ва эллат вакиллари ўртасида бирлик ва ҳамжihatлик муҳитини яратишдир. Файласуф олим С.Отамуратовнинг таъкидлашича “Бугун глобаллашувнинг авж олиши шароитида миллатни асраш глобал муаммога айланмоқда. Чунки у жараён “кичик” ва кам тараққий қилган мамлакатлардаги халқ (миллат)ларни йирик ва тараққий қилган мамлакатлар ҳамда уларда яшаётган халқ (миллат)ларга кўшилиб кетиш хавфини кенгайтирмоқда. Бундай шароитда ўз давлатига эга бўлиш мамлакатларнинг ана шу хавфдан ҳимояланишида муҳим аҳмиятга эга бўлади”[1].

Глобаллашув натижасида миллатларнинг интеграцияси охирида миллийликни йўқолишига олиб келади, каби баъоратларга қарши ўлароқ, XXI асрда ҳам миллатнинг мавқеи кескин ўзгармади. “Миллат бўлиш бизнинг давримизнинг сийсий ҳаётидаги энг муҳим қонуний қадрият”[2] лигича қолмоқда. Жаҳон тарихи саҳнасида “миллий давлатлар” ва “миллатлар” пайдо бўлиши, ўзига хос сифат сакраши бўлиб, “миллат”

томонидан аввалги “этник тарих” нинг диалектик “инкор этилиши” эди. Шу вақтдан бошлаб миллат давлатчилигининг ижтимоий асосини тапқил қила бошлаган эди. “Давлат этногенез ва миллий ўзликни англаш учун қандайдир ёг тапқил элемент эмас, балки улардаги энг муҳим, энг ижобий ҳислатларни ўзига жо этган ҳамда уларнинг ўзига хизмат қиладиган ижтимоий-сийсий институтдир”[3]. Миллий ўзига хослик ва миллатлараро муносабатлар масалалари, дунё ҳамжамиятига интеграллашувни мақсад қилган ва бу йўналишда ўзгаришлар юз бераётган кўп миллатли давлатлар учун долзарбдир, шу жумладан 130 дан ортиқ миллат ва эллат вакиллари истикомат қилувчи Ўзбекистон учун ҳам муҳим масаладир.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили (Literature review).** Бугунги кунда Ғарб илм-фанида кишилик жамиятининг иқтисодий, сийсий, маънавий тараққиётини маданият нуқтаи назаридан таҳлил этувчи бир бугун тизим – социал антропология йўналиши яратилган бўлиб, бу йўналишда тадқиқотлар кўплаб яратилмоқда. Э. Геллнер, Э. Смит, К.Дойч, М.Хрох, Э.Хобсбаум, Ж. Бройн, Э. Балибар, Х. Бхабха, Л. Гринфельд, И. Валлерстайн, Т. Эриксен, Р.Брудье, К.Вердери, Дж.Армстронг, А.Холд, У.Озқиримли, Р.Брубэйкерлар этнос, миллат, “миллат қурилиши”, миллий давлатчилик масалаларини ўз тадқиқотларида таҳлил этилганлар. Мустақиллик йилларида жамият ва

давлатчилик ривожини, унда миллий, маънавий ва мафкуравий омишлар, миллий ўзликни англаш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар яратила бошланди. С.Шермухамедов, С.Мамашқиров, С.Отмуродов, Қ.Н.Назаров, А.С.Ачилдиев, Б.Т.Тўйчиев, Қ.Ҳоназаров, В.Кўчқоров, Ш.О.Мадаева, И.Р.Хўжамуродовлар миллий таракқиёт, миллатнинг шаклланишида қадриятларнинг тутган ўрни, глобаллашув шароитида миллий ривожланиш масалалари, миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар, миллий ўзликни англаш, идентикликнинг антропологик жиҳатлари илмий изланишларида ўз ифодасини топган. С.Отмуродов глобаллашув шароитида миллий ривожланиш масалаларига доир тадқиқот олиб борган[4]. Қ.Ҳоназаров миллатнинг бирлик бўлиб уюлишини маълум тарихий даврлар билан боғлайди[5], В.Кўчқоров эса миллий ўзликни англаш ва ижтимоий таракқиёт масалаларини таҳлил қилган[6]. Ш.Мадаева миллий менталитет ва идентикликнинг антропологик жиҳатлари алоҳида мавзу сифатида таҳлил қилган[7].

**Тадқиқот методологияси (Research Methodology).** Бутун дунёда миллатлар ва миллатчиликни ўрганиш турли ёндашув умумлаштириш ва таснифлашга, концепцияларнинг кучли ва кучсиз томонларини таққидий англашга интилиш, имкониятларини аниқлаш, маълум бир интеграл ёндашувни топиш ёки бу уринишлардан воз кечиш билан характерланади.

XX асрнинг 80-90-йилларида юқорида келтирилган “этник уйғониш” каби объектиб жараёнлар натижасида ғарб илм-фанида миллат ва миллатпарварликнинг келиб чиқиши, миллат моҳиятининг ижтимоий ва сиёсий жиҳатларини ўрганишга талаб янада ортди ва бу борада муҳим тажриба тўпланди. Ғарб тадқиқотлари анъаналарида кенг тарқалган таснифга кўра, ушбу тадқиқотлар учта асосий концептуал платформаларга бўлинади: примордиализм, модернизм ва этносимволизм[8]. Лекин бу парадигмалар яхлит эмас, уларнинг ўзи ҳам турли ёндашувлардан шаклланган.

**Таҳлил ва натижалар (Analysis and results).** Биз яшаётган трансформациялашувчи жамият мобиллик, миграциялар, талабларнинг тўхтовсиз ўзгариши ва бунинг натижасида индивидларнинг азалий (тарихий) илдишларини хис этмасликларига, анъанавий қадриятлар, урф-одатларни емирилишига олиб келмоқда. Аммо психологларнинг таъкидлашича, инсон бундай мураккаб ижтимоий муҳитда доимо ўзининг келиб чиқиши, ўтмиши, аждодлари – азалий (тарихий) илдишларини билишга эҳтиёж сезади[9]. Инсон доим ўзини “биз”нинг бир қисми эканлигини хис қилиши керак. Психосоциолог Дж. Бартон, Э. Азар идентит инсоннинг онтологик эҳтиёжларидандир[10], деган фикр билдирдилар. Тарихий хотирага эга бўлиш, ўзининг аждодларини таниш, яъни этник ўзига хослигини англаши – этник идентит ҳамкорлик ёки бирдамлик каби ҳулқ-атвор ҳаракатларида ўзини намоён қилади ва этногуруҳнинг жамиятдаги психологик функцияни бажаришидан далolat беради. Этнос ҳамжамият сифатида психологик вазифалари қуйидагилардан иборат: 1) нисбатан тартибли маълумотларни етказиб берип орқали атрофдаги оламга йўналтириш; 2) умумий ҳаётий қадриятларни белгилаш; 3) нафақат ижтимоий, балки жисмоний фаровонликни ҳимоя қилиш[11]. Демак, миллат учун ўз миллий идентификациясини аниқлаш, миллий ўзлигини англаш зарурати онтологик эҳтиёжлардандир.

Ижтимоий-гуманитар фанлар услубий арсеналида идрок этишнинг энг муҳим воситаси сифатида ишлайдиган категориал ва терминологик аппаратга алоҳида аҳамият берилади. “Этнос”, “этниклик”, “миллат”

тушунчаларининг эволюцияси яъни, этноснинг шаклланиши ижтимоий, сиёсий, жуғрофий, демографик, ассимиляциялашув жараёнлари билан боғлиқдир. Собиқ Совет империяси илм фанида умумий маданият, тил ва ўзликни англаш асосида шаклланган ҳамжамиятлар – “этнос”, “халқ” этнология фанининг ўрганиш объекти ҳисобланган. Шу нуқтаи назардан қараганда “Этнос - кишилар социал гуруҳларининг тарихан вужудга келган, жамоа бўлиб яшашининг алоҳида шаклидир. Бундай жамоа табиий-тарихий йўл билан пайдо бўлади ва ривожланади, улар жамоа гуруҳига қирадиган кишиларнинг хоҳиш иродасига алоқадор бўлмасдан, ўз-ўзини қайта тарбиялаш ҳисобига кўп асрлар яшайди”[12]. Ғарб илм-фанида эса “этнос” атамаси деярли ишлатилмайди, “этниклик” атамаси эса кенг тарқалган ва ушбу атамага бир гуруҳни бошқасидан фарқловчи маданий ўзига хослик ёки жамоавий тажриба сифатида қаралади. Бундай ёндашувнинг асосий сабаби собиқ совет этнологиясида этнослар тарихий шаклланган ҳамжамият сифатида ўрганилган бўлса, Ғарб тадқиқотчилари маданиятлар ва уларга асосланган ижтимоий тузилмаларга асосий эътиборни қаратган. Дунё олимлари бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борганлар, бунинг натижаси ўлароқ этнос, миллат ва миллатчилик моҳиятини ўрганишга турли ёндашувлар шаклланган. Албатта, қўйилган муаммонинг долзарблиги, фалсафа учун анъанавий бўлган дунёқараш ва услубий парадигмаларнинг қайси бири “тўғри” эканлиги, миллатнинг табиати ва моҳиятини англашда конкрет тадқиқотлар учун тавсия этилиши мумкин бўлган яна бир ечим зарурлигини истисно қилмайди.

Миллат шаклланишидан аввал ижтимоий таракқиётнинг этнос (халқ) шакли мажуд бўлиб, халқларнинг келиб чиқиш тарихини ўрганишда этник бирлик атамаси ҳам ишлатилади. “Этнос” – “ethnos” атамаси қадимги юнон тилида учрайди ва қабила, халқ маъноларини билдиради. Миллоддан аввалги VI-V асрда бу сўзни келиб чиқиши грек бўлмаган уруғ ва қабилаларга нисбатан қўлланилган бўлиб, айнан шу маънода бу атама рим маданияти, латин тилида ҳам намоён бўлган.

Рус эмигрант олими С.М.Широкогоров (1887-1939) 1923 йилда илк бор, этносларни биологик хусусиятидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг моҳиятини белгиловчи бир неча мезонни ишлаб чиқиб, этносга таъриф берган “...Этнос – бу бир тилда сўзлашувчи, келиб чиқиши бир эканлигини тан олувчи, урф-одатлар мажмуаси ҳамда умумий турмуш тарзига эга бўлган кишилар гуруҳидир” [13]. Ушбу таъриф XX асрнинг 60-80-йилларида шаклланган таърифга кўп жиҳатлари билан мос тушади: “Этнос (этник бирлик) муайян ҳудуд, тил, келиб чиқиш, маданият умумийлиги, ўз-ўзини этник англаш ва бошқа кишилар уюшмасидан ўзини фарқлаган, ўз этник номига (этнонимига) ҳамда ўзига хос турмуш тарзига эга бўлган кишиларнинг тарихан таркиб топган уюшмасидир” [14].

Этносимволизм асосчиларидан бири, инглиз олими Э.Смит этносга қуйидаги таърифни беради: “Ўзининг тарихи, маданияти ва этнонимига эга, авлодлари ҳақидаги афсоналарни тан олувчи, бирдамлик ҳиссиёти асосида маълум ҳудудда шаклланган кишилар уюшмасидир”. Э.Смит таълимотининг ўзига хос томони шундаки, этноснинг тарихини афсона, яъни барча тан олувчи афсона, деб билади. Бу қараплари олимни конструктивизм позициясига яқинлаштиради. Олим “этнос” атамасига инглиз тили лексикасида мос сўзнинг йўқлиги туфайли, қадимги жамоаларини тасвирлашда маъно ва мазмун жиҳатдан мос келувчи французча “этниа” атамасини қўллайди ва айнан ушбу атама бошқа жамоалардан маданий жиҳатдан фарқланишини англаган

кишилар жамоасини билдиради. Смит учун “этния” маданий ва тарихий қардошликка асосланган кишилар уюшмасининг тарихий шаклидир.

Инглиз тилидан олинган “этниклик” (ethnicity) аслида “этния” терминидан келиб чиққан. “Этния” тушунчаси француз тилидан олинган ва биологик қондошликдан кўра маданий бирликнинг устуворлигини билдиради. “Этния” тушунчаси остида “..маълум бир ҳудудга боғлиқ ва бирдамлик туйғуси ҳақида тасаввурга эга, келиб чиқиши, тарихи ва маданияти ҳақида умумий афсоналар асосида ўз номига эга аҳоли” назарда тутилган. Инжил матнларидаги бу тушунчадан “бутпараст”, “христиан бўлмаган” маъноларида фойдаланилган.

“Этния” тушунчасидан келиб чиққан “этниклик” тушунчаси 1960-йилларнинг ўрталарида пайдо бўлган ва Ғарб ижтимоий фанларининг категориал аппаратининг асосий тушунчасига айланди, 1972 йилда эса Оксфорд инглиз тили луғатига киритилди. Этнолог А. Бастиян учун бу “халқ” сўзининг синоними. Россиялик олим С.Э. Рыбаков учун “этниклик” - бу шахс ўзини у ёки бу этнос вакили сифатида англаб етиши, идентификацияси [15]. Британиялик тарихчи-марксист Э. Хобсбаумнинг асарларида этниклик фақатгина “гуруҳ идентификациясининг аниқ ифодасини беришга, гуруҳнинг барча аъзоларига (“биз”) бирдамлик туйғусини синдиришга, уларнинг “бошқалар”дан фарқини таъкидлашга имкон беради. Рус олими В.Ю.Титков фикрича, этниклик, авваламбор, одамларнинг идентификацияси ва маданий анъаналарининг бир шакли бўлиб, унинг асосида турли хил конфигурациялар ва ўзаро боғлиқликда мавжуд бўлган инсонлар коалициялари (ёки гуруҳлари) бўлиб, улар этник жамоалар (халқлар, миллатлар ёки этнонациялар), деб номланади. Норвегиялик олим Томас Эриксен таъкидлашча, этниклик – бу ўзларини бошқа гуруҳларнинг аъзоларида маданий жиҳатдан фарқи, деб ҳисобловчи агентлар орасидаги ижтимоий муносабатларнинг бир жиҳатидир. Маданий тафовутлар гуруҳ аъзоларининг ўзаро муносабатларида мунтазам равишда такрорланиб турса, бундай ижтимоий муносабатлар этник элементга эга бўлади [16]. Яна бир норвегиялик этнолог Фредерик Барт этникликни ижтимоий идентификация категорияси, рамзий фарқлар воситаси ёрдамида яратилган ситуацион ҳодиса сифатида таърифлайди ва этник чегараларни гуруҳнинг ўзига хослиги асосини шакллантиришнинг энг муҳим мезони сифатида тушунади [17]. Антрополог Маркус Бэнкс таъкидлаганидек, “Кўп йиллар давомида “этниклик” социология ва антропологияда асосий тушунча бўлиб келган, лекин шунга қарамай, унинг маъноси, қўлланилиши ва бошқа тушунчалар билан нисбати аниқ эмас” [18]. Конструктивизмда этнос – ўзаро муносабатга киришувчи бошқа жамоаларга нисбатан маданий ўз ўзини англаш (ўз ўзини белгилаш) асосида шаклланган одамлар жамоаси бўлиб, бошқа таърифлардан фарқи шундаки, этнослар асосидаги умумий белгилар эмас, балки умумий белгилар ҳақидаги тасаввурларга эътибор қаратилган. Ушбу ёндашувда “Этниклик” азалий мавжуд эмас, балки “ўз гуруҳлари ва ўз фаровонлигини ҳимоя қилиш, сиёсий ёки иқтисодий манфаатларга эга бўлиш учун ўзлари намойиш этишга интиланган гуруҳлар маданияти материалларини ўзгартириб ва баъзан сохталаштириб фойдаланадиган элита томонидан яратилган ижтимоий ва сиёсий тузилмалардир” [19]. “Этниклик – табиий алоқалар, ягона маданият, умумий келиб чиқиши ва умумий тарихи ҳақидаги гоё ёки афсоналар билан боғланганлигига ишончга асосланган тасаввурдаги жамоаларнинг ижтимоий конструкциялаш жараёнидир” [20].

Француз олими Эрнест Ренан 1882 йил 11 март Сорбонда “Миллат нима?” мавзусидаги маърузасида, миллат ижод маҳсули сифатида умумий “тарихий хотирага” ҳамда танлаб олинган “хотирасизлик”га асосланади, айнан шу ҳамжамиятда яшапни давом эттиришга қатъий иродаси бўлган жамоа сифатида ижтимоий ва онтологик ҳодисадир, деб этнос ва миллатни сунъий тузилма, инсонларнинг онги ва мақсадга қаратилган фаолиятининг натижаси, ахлоқий онг сифатида таърифлар экан, миллатнинг асосий омили коллектив хотира ёки “тарихий хотира” ва шахснинг индивидуал танлови, деб таъкидлаган эди.

Ҳа, этнос, миллат ўзининг хусусиятларини, ўзининг ичидан етишиб чиққан ва бошқалар тан оладиган буюк вакиллари орқали намоён қилади. Масалан, ўзбек халқи, миллати бошқа халқлар назарида Имом ал-Бухорий, Амир Темур, Улуғбек, Бобур, Навоий каби буюк инсонлар авлодлари сифатида гавдаланади. Бундан ташқари, халқ, миллат ҳақида гап кетганда, уларни бирлаштириб турадиган менталитет, яшайдиган ҳудуд, улардаги ўзига хос хусусиятлар, инсоният ижтимоий тараққиётида тутган ўрни, тарихий мероси, ахлоқий кадриятлари ва ижтимоий-сиёсий таъриби ҳам назарда тутилади.

“Миллат”, “миллий”, “миллийлик” каби тушунчалар бизнинг тилимизга араб тилидан VIII асрда, яъни араб халифалиги томонидан Мовароуннахрнинг забт этилиш давридан бошлаб кириб келган. Ушбу тушунчаларнинг негизида “мил” ибораси ётади. “Мил” тушунчаси араб тилида “ўзак”, “туб моҳият”, “негиз” маъноларини ифодалайди. “Миллат” тушунчаси эса кенг микёсда қўлланилиб, бир неча маънони беради: 1) дин, диний жамоа; 2) уммат, маълум динга эътиқод қилувчилар жамоаси; 3) халқ, миллат каби маъноларни англатади.

Илмий адабиётларда “миллат” тушунчасига ўзбек олимлари томонидан ҳам бир қатор таърифлар берилган. Масалан, “Миллат кишиларнинг тил, ҳудуд, онг, руҳий, маънавий жиҳатларига кўра муштарак бўлган барқарор бирлигидир” [21]. Кўрииб турибдики, бу ерда миллат тушунчасини таърифлашда унинг маънавий жиҳатларига кўпроқ эътибор берилган, ваҳоланки миллат ижтимоий борлигининг ўзига хос мураккаб томонларини акс эттирувчи феномен ҳисобланади. Ўз навбатида Н.Назаров “Миллат-инсоният тараққиётининг сифатий босқичга кўтарилган даврига хос бўлиб, этноснинг сифат жиҳатидан яхлит, умумий миллий характерга эга бўлган кўринишидир” [22], – деган таърифни беради. Келтирилган бу таърифда миллатнинг этник асослари ижтимоий-тарихий тараққиёт нуқтаси назардан ёритилган ҳалос. Мазкур таърифдаги ушбу жиҳатлар миллат моҳиятини очишда ўзига хос аҳамиятга эга бўлса-да, бугунги кунда миллатнинг янги ижтимоий-маънавий ва маданий қиёфасини тўлиқ ёритишга хизмат қилмайди.

**Хулоса ва тақлифлар (Conclusion/Recommendations).** Илмий адабиётларни ўрганиш кўрсатадики, “этнос” ва “миллат” тушунчалари, уларнинг генезиси, ички белгилари, бошқа халқлар ва миллатлардан дифференциаллашуви ҳақида турли ёндашувлар ва фикрлар мавжуд, гоҳо улар бир-бирига зиддир. Буларни файласуф олим С.Отамурадов кенг таҳлил қилган [23]. Аммо уларнинг деярли барчасида этнос ва миллатни маълум бир ижтимоий-тарихий босқичда юзага келган, ўзининг тили, маданияти, руҳи, урф-одатлари, тарихий онги ва хотираси, турмуш тарзи, ҳудуди, ижтимоий-сиёсий институтлари мавжуд этносциал бирлик сифатида қарап у ёки бу талқинда ифода этилади. Этномиллий концепцияларнинг тарихий илдизлари моҳиятини ўрганганда мазкур белгиларни ҳисобга олиш лозим.

## АДАБИЁТЛАР

1. Отамуратов С. Глобаллашув ва миллий-маънавий ҳавфсизлик. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2013. – Б. 77.
2. Андерсон Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. - Москва, 2001. С. 27.
3. Қўчқаров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий-сиёсий жараёнлар. – Тошкент: “Академия”, 2007. – Б. 19.
4. Отамуродов С. Глобаллашув ва миллат. – Тошкент: Янги аср авлоди. 2008. – 201 б.
5. Хоназаров Қ. Миллат назариясига танқидий назар. – Т.: Миллий тикланиш, 1998, 16-июнь
6. Қўчқоров В. Миллий ўзликни англаш ва ижтимоий сиёсий жараёнлар. – Т.: Академия – 2007. 56 б.
7. Мадаева Ш.О. Идентиклик антропологияси. Тошкент, “NOSHIR”, 2015
8. Хобсбаум, Э. Нации и национализм после 1780 года / Э. Хобсбаум. – СПб. : Алтейя, 1998.
9. Чернобровкин И.П.Этнонациональный конфликт: природа, типы и социальный контроль. - Ростов н/Д: Изд-во Рост. ун-та, 2003.С.
10. Burton J. Conflict Recollection: Its Language and Processes. L.: Lanham, 1996. P. 30.; AzarE. Op. cit.P. 30.
11. Стефаненко Т.Г. Этнопсихология: Учебник для вузов. — М.: Аспект Пресс, 2009. С. 5.
12. Хўжамуродов Н. Маънавий қадриятлар ва миллий ўзлигини англаш. -Т.: Маънавият, 1991.
13. Абдуллаев У. Этнологиянинг назарий-методологик муаммолари./Ўзбекистон этнологиясининг долзарб муаммолари.Республика илмий-назарий конференция материаллари.ЎФА, Тарих институти.1Т.: 2007.,10-б.
14. Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса.М., 1983. С.58.
15. Рыбаков С.Е. Философия этноса. М., 2001. С. 11.
16. Eriksen T.H. Ethnicity and Nationalism. Anthropological perspectives. L., 1999. P. 12.
17. Этнические группы и социальные границы: Социальная организация культурных различий / под ред. Фредрика Барта; пер. с англ. Игоря Пильщикова. - М.: Новое изд-во, 2006.
18. Banks M. Ethnicity: Anthropological Constructions. L.; N. Y., 1996.
19. Брэс П. Этнос и политика: хрестоматия / авт. сост. А.А. Прузаускас. - М.: Изд-во УРАО, 2000. С.102.
20. Тишков В.А., Шабаев Ю.П. Этнополитология: политические функции этничности: Учебник для вузов. М.: Издательство Московского университета, 2011. С. 46.
21. Бахронов Ж. Шах миллий ўзлигини англаши қонуниятлари. -Самарқанд: Зарафшон, 1995. –Б. 13.
22. Назаров Н. Мустақиллик шароитида этноижтимоий жараёнлар.-Т.: Ижтимоий фикр, 2005. –Б. 10.
23. Отамуратов С. Миллий муносабатларнинг сиёсий жиҳатлари. –Т.: Янги аср авлоди, 1996. –Б. 8.